



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO'MITASI
QASHQADARYO VILOYATI DAVLAT SOLIQ BOSHQARMASI
GUZOR TUMANI DAVLAT SOLIQ INSPEKSIYASI

180300, Guzor tumani, O'zbekiston ko'chasi Tel: (75) 552-22-74, Faks: (75)-552-16-28

14.10.2022 yil.

15-4-56-DSI/2022-son

Adliya vazirining
2022 yil ___ yanvardagi
___ -um-son buyrug'iga
7-ilova

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ
(Курилиш моллари олиш буйича)

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Гузор тумани ДСИ** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи бошлик в.б. **С.С.Бобоқулов** бир томондан, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритиладиган **"LAKRO STROY SERVIS"** МЧЖ номидан **Устав** асосида ҳаракат қилувчи корхона раҳбари **А.Ғуломов** билан **Гузор тумани ДСИ** даги қурилиш-монтаж ишларига қурилиш молларини амалга ошириш бўйича мазкур таъминот шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;
 - ижро ҳужжатлари – етказиб берилаётган маҳсулотларни бажариш учун масъул бўлган шахсларга куйилаётган талабларнинг аниқ ёритилиши, сифат кафолати, етказиб беришдаги маҳсулотларга куйиладиган техник улчамлар ва меъзонлар.
 - Етказиб берувчига қурилиш майдонига маҳсулотларнинг уз вақтида олиб келиб берилишидаги талабнинг юклатилиши;
 - шартномада маҳсулотларнинг ҳар бир категорияси ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда курсатиш бўйича умумий қийматини тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Таъминотчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Кашькадарё вилояти **Гузор** тумани **"LAKRO STROY SERVIS"** МЧЖ жорий объектида кузда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун бирламчи зарур бўлган қурилиш молларини етказиб бериш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Таъминотчи учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Таъминотчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва Таъминотчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қўшилган қиймат солиғи билан бирга **9 098 664 (туккиз миллион туксон саккиз минг олти юз олтинчи турт)** сўми ташкил этади.

4. Қурилиш молларининг умумий қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқишини мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
- қурилиш қийматини ўзгартирилишига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- маҳсулотлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Таъмирлаш ишлари чузилиб кетганда (бир йилдан ортиқ бўлганда) шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асоелар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Таъминотчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ТАЪМИНОТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Таъминотчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча етказиб берилаётган маҳсулотларнинг уз вақтида сифатли ва кафолатли булишини таъминлаши
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бўтловчи буюмларни етказиб бериш, уларни тушириш, омборга жойлаш таъминлайди;
- Буюртмачининг уз вақтида хабардор қилиш (қузда тутилмаган ҳолатларда кечикиш булганда)
- мазкур шартнома бўйича таъминотчи ишлар бошланган санадан бошлаб 1 ой муддатда таъмирлаш манзилига ўзига тегишли қурилиш материаллари етказиб берилишини таъминлаши таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўзини қилишига олади.

8. Таъминотчи мавжудлигини кафолатлаган сумманинг 90% га тенг бўлган қисмини бажариш мажбуриятини олади.

9. Таъминотчи Буюртмачига барча етказиб берилган қурилиш молларини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

10. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- ишлар бажарилиши устидан доимий сифат назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Таъминотчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш ҳамда сифатли қурилиш молларини қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Таъминотчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Таъминотчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Таъминотчига хизматни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса Таъминотчи олдида тулик жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб кучга киради.

14. Таъминотчи мазкур шартномага илова килинган курилиш молларини жадвалига мувофик етказиб беради.

15. Курилиш молларини «31» «октябрь» 2022 йилгача етказиб топширилиши белгиланади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича махсулотлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказати. бу **2 729 599,2 (икки миллион етти юз йигирма туккиз минг беш юз туксон туккиз сум икки тийин)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Таъминотчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан ун банк кунда молиялаштирилади ва колган 90 % миқдоридаги тўлов махсулот етказиб берилиши мобайнида ҳамда Буюртмачи ва Таъминотчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш етказиб берилган махсулотлар хажми ва сифати текширилиб қабул килингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Таъминотчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнанинг охириги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш моллари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб такдим қилади. Буюртмачи эса курилиш-молларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

21. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган ишлар миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Таъминотчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

22. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – таъминот булимига тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Таъминотчи корхона томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

23. Таъминотчи булими вакили ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

24. Агар Буюртмачи Таъминотчидан олган курилиш молларининг сифатсизлиги сабабли бажараётган ишларининг сифати таъсир қилганлиги аниқласа, у холда Таъминотчи ўз кучлари билан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Таъминотчи сифатсиз курилиш моллари орқали етказган зарарини келишилган муддатларда тuzата олмаса, Таъминотчи уларни тuzатишнинг кечиикиши оқибатида етказилган зарарларни барчасини Буюртмачига тўлайди.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиғат ҳолатлари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Таъминотчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни узайтириш қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

28. Таъминотчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- ҳужжатларга ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бўтловчи буюмлар сифатини, уларнинг ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- маҳсулотларни қабул қилишда фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Таъминотчи ва Буюртмачининг икки томонлама ҳужжатда қайд этилади.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

29. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланишидан олдин Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Таъминотчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Таъминотчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Таъминотчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Таъминотчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ қурилиш моллари сифатсизлиги сабабли назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонуни ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Таъминотчи:

- ишларнинг бажарилиши Таъминотчи боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

- қонуни ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

32. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.

35. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Таъминотчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини 15 банк кунда сабабсиз Таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- шартнома шартларига муофиқ сифатли қурилиш молларини қабул қилиш учун тақдим қилинганда асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

36. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Таъминотчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

-Маҳсулотларни етказиб бериш жадвалида белгилангандан кам миқдорда ошиб келса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Етказиб бериш даврида белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди.

37. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

38. Томонларнинг жавобгарликка тортилиб тўлайдиган, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 15% ошмаслиги керак.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

42. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

43. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

44. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча қўшиқ тузилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

46. Мазкур шартнома «31» «декабр» 2022 йилгача амал қилади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.


БУЮРТМАЧИ: ТАЪМИНОТЧИ


Ғузур тумани ДСИ	"LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ
Манзили: Ғузур туман Ўзбекистон кўчаси	Манзили: Ғузур туман Ўзбекистон кўчаси
75-552-22-74	
Х/р: 400110860102077011332093001	Х/р: 20208000204711216001
СТИР: 200676546	300860465
	Миллий банк
00014	: 00450

Директор _____ С.С.Бобоқулов

Директор

А.Ғуломов



	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	SAMAD BOBOQULOV SAYLOVOVICH
	Imzolangan sana	14.10.2022 16:56
	Hujjat kodi	ZU8537834584
	Hulosa kodi	LH6051085855

«Бажарувчи»

"LAKRO STROY SERVIS" MCHJ
(moliyetkashib beruvchi nomi)

Манзили: Ғузур туман Ўзбекистон кўчаси

тел/факс 91-640-01-01

х/р 20208000204711216001

банк номи Миллий банк

МФО 00450 С/ТИР 300860465

ОКОНХ

ХККМ

«Буюртмачи»

Ғузур туман Давлат солиқ инспекцияси
(бюджетдан маблағ олувчи номи)

Манзили Ғузур туман Ўзбекистон кўчаси 18-уй

тел/факс 75-552-22-74

ш х/в 400110860102077011332093001

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200676546

ОКОНХ

Ғазна х/р 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк

МФО 00014

Ғазначилик бўлини маси СТИРи 201122919

2022 йил 14 октябрдаги №15-4-56-DSI/2022-сонли
шартномага Спецификация

№	Хизмат тури	Улчов бирлиги	Сони	Суммаси	Жами суммаси
1	Плитка керамическая	метр квадра	44,88	57900	2598552
2	Плитка керамическая	метр квадра	13,382	59000	789538
3	Умывальник керамический	дона	3	666650	1999950
4	Пенетрон	кг	57,44	64600	3710624
	Жами				9098664

Жами 9 098 664 (туккиз миллион туксон саккиз минг олти юз олтмиш олти турт сум)

«Бажарувчи»

А.Ғуломов



«Буюртмачи»

С.Бобокулов




«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Гузур туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

С.Бобоқулов

«11» Октябр 2022 йил



Гузур туман Давлат солиқ инспекциясида буюртмачилиги асосида ювениш хонаси ва сув хавзасини таъмирлаш учун қурилиш моллари харид қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ

Комиссия раиси	Ж.Хуррамов
Комиссия котиби	З.Файзиева
Комиссия аъзоси	Ф.Бекмуродов
Комиссия аъзоси	О.Жайлозов
Комиссия аъзоси	Р.Абдурахмонов
Комиссия аъзоси	А.Абраев

Кун тартибидаги масала:

Гузур туман Давлат солиқ инспекциясида буюртмачилиги асосида ювениш хонаси ва сув хавзасини таъмирлаш учун қурилиш моллари харид қилиш тўғрисида Комиссия танлов конкурсига қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб Инспекция буюртмачилиги асосида ювениш хонаси ва сув хавзасини таъмирлаш учун қурилиш моллари харид қилишда 3 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди Улар қуйидагича:

Танлов конкурси бўйича 2022 йил 11 октябр кунда лот №157956-сонли протокол эълон қўйилгандан кейин 4 та ташкилот узини таклифлари билан қатнашди ва энг юқори балл "Лакро строй сервис" МЧЖ олди ва 2 кун муҳокамага қўйилди ҳамда бошқа эътирозлар бўлмагандан кейин "Лакро строй сервис" МЧЖ билан шартнома тузилди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. "Лакро строй сервис" МЧЖ хусусий корхонаси голиб деб топилсин.
2. "Лакро строй сервис" МЧЖ хусусий корхонаси томонидан тавсия этилган ДСИ буюртмачилиги асосида ювениш хонаси ва сув хавзасини таъмирлаш учун қурилиш моллари голиб деб топилди.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш Ш.Йўлдошев зиммасига юклатилсин

Комиссия раиси	Ж.Хуррамов
----------------	------------

Комиссия котиби	З.Файзиева
-----------------	------------

Комиссия аъзоси	Ф.Бекмуродов
-----------------	--------------

Комиссия аъзоси	О.Жайлозов
-----------------	------------

Комиссия аъзоси	Р.Абдурахмонов
-----------------	----------------

Комиссия аъзоси	А.Абраев
-----------------	----------


YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA

LH6051085855

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Oldi-sotdi shartnomasi haqida**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Guzor tuman davlat soliq inspeksiyasi tomonidan 14.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

G‘uzor tuman yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:



M.K.NEMATOVA

14.10.2022